

Date: 5th October-2025

МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРЛАРИДАГИ АЙРИМ АРАБИЙ СЎЗЛАР ХУСУСИДА

Каримова Мунира Баҳодир қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети 2-босқич магистранти



Туркманларнинг буюк мутафаккир шоири Махтумқули Фироғий ўз халқи қалби тубидаги армонлари-ю, орзу-истакларини баён қилган бетакрор ижодкордир. Ўз миллатининг адабий олами, дунёқараши ва менталитетини ифодачиси бўлган Махтумқули шеърлари орадан уч аср ўтганига қарамай, ҳали шу кунга қадар ҳақиқат садоси бўлиб эшитилади. Одамларга ўғит беради, муаммоларига ечим тақдим этади ва дардманд кўнгилларга малҳам бўлади. Шу сабаб шоир аслида туркман халқининг фарзанди бўлса ҳам, уни дунёнинг жуда кўп мамлакатларида шеърият шайдолари севиб, ардоқлаб мутолаа қилади.

Шоирнинг аксарият шеърлари фалсафий руҳда ёзилган бўлиб, ўқувчига тўғридан тўғри гапнинг индаллосини сўзлайди; баъзан асл маънони санъаткорона тақдим этади. Бундай ўринларда жилвадор сўз ўйинларидан, бадий санъатлардан ва, албатта, туркман тилига бошқа тилларидан ўзлашган сўзлардан ўринли фойдаланади. Шоирнинг сўз маҳзани ниҳоятда бой ва беназир бўлиб, унда араб тилидан ўзлашган сўзлар ҳам алоҳида мавқега эга. Махтумқули араб тилига бўлган меҳр-муҳаббати, ихлоси ва эҳтиромини шундай ифода этади:

“Найлайин, ул араб тил – чин забоним бор менинг”¹⁹.

Махтумқули араб тилига нисбатан “чин забон”, деб таъриф беради, яъни шоир бу билан “араб тили аслида менинг она тилимдир, ҳақиқий тилимдир, жонимнинг бир парчасидир”, дейишни мақсад этган. Инсон бир нарсага нисбатан муҳаббат ҳиссини туйиши учун сабаб керак эмаслиги кўп бор таъкидланса ҳам, асл муҳаббат, чин ҳиссиётлар жўш уриши учун бир асос бўлиши ҳақиқатга яқинроқ аслида. Шу эътибордан Махтумқули араб тилига бўлган муҳаббати илдизи аслида қаерга бориб тутатишини “Боди сабони кўрсам” шеърида англатиб ўтади:

*“Ҳоки пойи Аршга тож,
Номи бу оламга бож,
Ҳар икки жаҳон муҳтож
Арабзабонни кўрсам”²⁰.*

Шоир “Арабзабон” деб пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кўзда тутар экан, айнан араб тилига урғу беради, яъни у зот араблардан эканлиги ва нега араб тили ижодкорга қалбан ва руҳан яқинлигини ўқувчига шарҳлайди.

Демак, шуниси равшанки, ижодкорнинг араб тилига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтироми бежиз эмас. Зеро, араб тили дунё тиллари ичида энг гўзали, мураккаби ва тенгсизидир. Ҳеч шубҳасиз, Махтумқули ҳам араб тилини бағоятда яхши билган, ўзлаштирган ва табиийки, ундан унумли фойдаланган. Яна бир шеърида:

¹⁹ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 63-бет.

²⁰ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 70-бет.

Date: 5th October-2025

“Сиз илм-у олимни сўранг арабдан”²¹,

деб гўё “маслаҳат” беради. Лекин аслида шоир бу икки сўз – “илм” ва “олим”нинг бир ўзакдан ясалганини жуда яхши билади ва уни бирор кимдан сўрашга ҳеч қандай эҳтиёж туймайди. Юқоридаги сўзлар араб тилидаги “алима” (“билмоқ”, “хабардор бўлмоқ”) феълидан ясалган бўлиб, “илм” сўзи бирор нарсанинг асл ҳақиқатидан бохабар бўлиш, уни билиш деган маънони, “олим” сўзи эса араб тилида “исми фоил” бўлиб, шу нарсани билувчи шахсни англатади.

Махтумқули замонасининг нуфузли илм даргоҳи ҳисобланган Хивадаги Шерғозихон мадрасасининг илми толиби бўлиши асносида араб тилидан сабоқ олган, сарф ва наҳв аталмиш бу тилнинг муҳташам икки бўлоғидан сув ичгани аниқ. Арабий алифбо ҳарфларидан шеърда фойдаланиш мумтоз адабиёт дарғалари асарларида кўп учрайди. Шоир девонида шу усулда ёзилган шеърлар мавжуд:

“Ҳеч билмаган зер-у забар гар топса жазбамдан асар,

“Бе”дан, “алиф”дан беҳабар ҳар дамда бир Қуръон чиқар”²².

Одатан, араб ҳарфларидан ижодкорлар ташбеҳ ўринларида истеъфода қилишади, бироқ юқоридаги мисраларда Махтумқули ҳарфларни ўз маъноларида қўлламоқда ҳамда “зер-у забар”дан бу ўринда араб тилидаги уч ҳаракатни мақсад қилмоқда. Араб алифбосида унли ҳарфлар бўлмагани сабабли, улар араб тилида ҳаракатлар орқали ифодаланади, яъни, фатҳа - а, касра - и, дамма - у.

Дунёдаги ҳар бир тил ўзига хос бўлиб, унда грамматик категориялар турли йўллар орқали ҳосил қилинади. Араб тилида ҳам исмнинг икки турдаги кўплик шакли бўлиб, улар “жамъу таксийр” – “синиқ кўплик” ҳамда “жамъу тасъхийх” – “тўғри кўплик”лардир. Тўғри кўплик сўз охирига маълум кўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлади, яъни, музаккар жинси учун исмнинг бирликдаги ҳолатига вов ҳамда нун ҳарфлари ёки ёй ва нун ҳарфларини қўшиш орқали, муаннас жинсига эса алиф ва та ҳарфларни қўшиш орқали ҳосил қилинади²³. Иккинчи кўринишдаги кўплик шакли, яъни “синиқ кўплик” сўзнинг бирлик шаклидаги ўзак ҳарфлари сақланган ҳолда, улар орасидаги унлиларнинг ўзгариши, ўзак бўлмаган ундошларнинг кириши, сўз ички таркибининг ўзгариши натижасида ҳосил қилинади ва синиқ кўпликлар ҳар бир сўздан ўзига хос шаклда ҳосил бўлади.²⁴ Махтумқули девонида учровчи арабий сўзларнинг кўплик шаклида келганлари эса, асосан, “жамъу таксийр” – “синиқ кўплик” шаклидаги сўзлардир. Масалан:

“Юз йигирма тўрт минг анбиё, асҳоб,

Бариси шулардир, билгил!” – дедилар”²⁵.

Юқоридаги мисрада иккита синиқ кўплик шаклидаги сўзни кўриш мумкин, булар “анбиё” ва “асҳоб”. “Анбиё” сўзи аслида “набаъа” – “хабар бермоқ” феълидан

²¹ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 426-бет.

²² Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 304-бет.

²³ Ҳифний Носиф ва бошқалар. Ад-дурусун наҳвия. Покистон. Карачи. 2013 йил, 18-19-бет.

²⁴ Бу ҳақда қаранг: Неъматулло Иброҳимов, Муҳаммад Юсупов. Араб тили грамматикаси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2004 йил, 40-бет.

²⁵ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 15-бет.



Date: 5th October-2025

ясалган “набийюн” – “хабар берувчи”, “пайғамбар” сўзининг синиқ кўпликдаги шаклидир. Худди шу каби “асҳоб” сўзи ҳам синиқ кўплик шаклидаги исм бўлиб, унинг бирликдаги ҳолати “саҳобийюн” ҳисобланади.

Араб тилидаги сўзлар бошқа тилларга, айниқса, туркий тиллар оиласига мансуб тилларга ўзлашганида айрим шаклий ва маъновий ўзгаришларга учраганини кузатиш мумкин. Баъзи сўзларнинг кўплик шаклидаги ҳолатига яна кўплик ясовчи кўшимча кўшиш, сўзларни ўз маъносидан анча узоқ маънода ишлатиш ҳолатлари учраб туради. Аммо Махтумқули арабий сўзларни ўз маъноларида ишлатгани, юқорида таъкидланганидек араб тилини яхши билганидан далолат беради. Масалан, араб тилидаги “айём” сўзи “явмун”- “кун”нинг кўплик ҳолати бўлиб, “кунлар” деган маънони англатади. Бирок, туркий тилли мамлакатлар аҳолиси истеъмолида бу сўз асосан “байрам” маъносида ишлатилади. Шоир эса ўз шеърида:

*“Чекканим фигондир, қилганим зордир,
Токи бу дард ила кечар айёмим”²⁶.*

деганча “айём” сўзини асл маъносида қўлламоқда. Сўз қўллаш ҳам бир санъат, айниқса, шеър талабларига амал қилган ҳолда сўзларни ўз ўрнида ишлата олиш ижодкорнинг нақадар маҳоратли эканини намоён қилувчи тиниқ кўзгу ҳисобланади ва бу борада эса Махтумқули нуқсонсиздир. Шоир фақатгина сўзларнинг туб маъносидангина хабардор бўлиб қолмай, балки, шеърда сўзлар омонимиясидан тўғри фойдаланишни ҳам яхши билади. Араб тилидаги деярли барча сўзлар кўп маъноли сўзлар бўлиб, контекстга қараб бир сўз айнан қайси маъносида ишлатилаётганини билиш мумкин. Махтумқулининг ижодкор сифатида моҳирлиги шундаки, у арабий калималарни гапда бир маъно англатиш вазифасини эмас, балки бир неча маъноларини ўқувчиларга етказди. Масалан:

*“Мазлумга зулм этган золимнинг иши
Маҳшарда Ҳақ девонида билинар”²⁷.*

Шеърдаги “фиълаанун” вазнида бўлган “дийваанун” – “девон” сўзининг қатор маънолари мавжуд бўлиб, шоир бу ўринда айнан шу сўзни танлаш орқали барча маъноларини муваффақиятли мослаштира олган. Сўзнинг илк маъноси “маҳкама” бўлиб, шу маъноси билан шеър таҳлил қилинса, Аллоҳнинг ҳукм чиқарувчи маконида золим кишиларнинг зулми фош бўлади, деган маъно англанади. Шунингдек, “девон” сўзини “дафтар” маъносида ҳам ишлатиш мумкин, бунда мисрадан ҳар бир банданинг бу дунёда қилган амаллари битиладиган дафтар, яъни, номайи аъмолида қилган золимликлари намоён бўлиши тушунилади.

Юқоридаги мисранинг биринчи байтига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Махтумқули ҳар томонлама беназир ижодкор эканлигини айнан шу нуқтада ҳам тасдиқлайди. Шоир бу мисрада “мазлум”, “зулм” ва “золим” каби арабий сўзлардан фойдаланади. Бу сўзлар “золама” - “зулм қилмоқ”, “адолатсиз бўлмоқ” феълидан ҳосил қилинган бўлиб, бу сўзларни ишлатиш орқали ижодкор “иштиқоқ” санъатини қўллайди. Иштиқоқ санъатидан фойдаланиш ижодкорлардан икки баробар маҳорат

²⁶ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 180-бет.

²⁷ Махтумқули. Асарлар. “Akademnashr” нашриёти. Тошкент, 2013 йил, 304-бет.



Date: 5th October-2025

талаб этади. Бу шеърий санъатга шундай таъриф берилади: “Шоир бир байт ёки гапда ўзакдош сўзлардан икки ёки ундан ортиқ келтирса – иштиқоқ санъатини қўллаган бўлади. Иштиқоқларнинг кўпроғи икки сўзда, нисбатан озроғи уч сўзда учрайди”²⁸.

Демак, аксарият китобхонлар тахмин қилганларичалик шеър ёзиш осон иш эмас, бу жараён ижодкордан туғма қобилият, ижодкорлик билан баробар равишда лингвистик, лексик-семантик билим ҳам талаб қилар экан. Мумтоз шарқ алломалари ижодида эса араб тилидан ҳам ўзлашган бирликлар бўлиши табиий ҳолдир, зеро, улар илм олган таълим даргоҳларида Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар ўқув дастурларининг ажралмас қисми бўлиб, бунда араб тилини ўрганиш табиий эҳтиёжга айланган. Шундай экан Махтумқулидек шарқ мумтоз адабиёти намояндалари асарларини ўқиётган ўқувчи ҳам араб тилининг нозик сир-асрорларидан бохабар бўлиши ижод намуналари билан танишув жараёнини бирмунча осонлаштиради.



²⁸ Ваҳоб Раҳмонов. Шеър санъатлари. “Ёзувчи” нашриёти. Тошкент. 2001 йил, 39-бет.